



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

**Болтаев Тўлқин**

Тошкент молия институти

катта ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10434831>

### ARTICLE INFO

Received: 19<sup>th</sup> December 2023

Accepted: 26<sup>th</sup> December 2023

Online: 27<sup>th</sup> December 2023

### KEY WORDS

Валюта, валюта курси, валюта риси, валюта операциялари, спот, форвард, своп, опцион, валюта операциялари ривожланиш коэффициенти, валюта операциялари таҳлили.

### ABSTRACT

*Мақолада Ўзбекистон тижорат банклари валюта операциялари моҳияти ва таснифланиши, валюта операцияларини таҳлил қилиш масалалари, муддатли валюта операциялар эконометрик таҳлили ҳақида сўз боради.*

Тижорат банклари фаолиятида валюта операциялари муҳим ўрин тутди ва улар банк даромадларининг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Банк нафақат валютани сотиб олади ва сотади, балки халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширади, чет эл валютасида депозитларни сақлайди, кредит беради. Шунингдек, банкларнинг валюта бозоридаги фаоллиги нафақат банк операциялари ҳажмига, балки унинг обрўсига ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистонлик бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари кўрсатдики, республикамиз тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантиришда валюта муносабатларини тартибга солиш, валюта захираларини диверсификацияси даражасини таъминлаш, банкларнинг валюта операцияларидаги фаоллигини ошириш муҳим ҳисобланади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ **валюта операциялари** — валюта қимматликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўтиши билан боғлиқ операциялар, валюта қимматликларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, валюта қимматликларини Ўзбекистон

<sup>1</sup> Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 33 б.; Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 81 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш.Т. “Фан ва технология”, 2007. – 286 б.



Республикасига олиб кириш, жўнатиш ва ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, жўнатиш ва ўтказиш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси валютасидаги операциялар.

Демак, **валюта операциялари** – бу хорижий валютада хужжатлар ва битимларни расмийлаштириш ҳамда ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдир.

Валюта операцияларини моҳиятини ўрганишда унинг таснифланиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ валюта операциялари ички ва халқаро (трансчегаравий) операцияларга бўлинади. Ички валюта операциялари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган операциялардир. Халқаро (трансчегаравий) валюта операциялари жорий халқаро операцияларга ва капитал ҳаракати (капитал ўтказмалари) операцияларига бўлинади.

Тижорат банклари валюта операцияларини Марказий банк томонидан берилган банк лицензияси асосида амалга оширадилар.

Банкларнинг валюта операциялари қуйидаги мезонларга кўра тавсифланади:

1. Бажариш муддати бўйича: нақд ва муддатли валюта операциялари;
2. Субъекти бўйича: резидент ва норезидент валюта операциялари;
3. Мақсадига кўра: мижоз ва ўз (банк) валюта операциялари
4. Банк операцияларини хусусияга кўра: актив ва пассив валюта операциялари
5. Миқёсига кўра: йирик ва майда валюта операциялари;
6. Шаклига кўра: нақд ва нақдсиз валюта операциялари.

Тижорат банкларида асосан конверсион ва депозит валюта операциялари амалга оширилади. Конверсион операциялар жорий (спот) ва муддатли (форвард, фьючерс, опцион) валюта операцияларига бўлинади. Муддатли валюта операциялар банк фаолиятида валюта рискларини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли уни эконометрик таҳлил қилишни ушбу ишимизнинг мақсади қилиб белгиладик.

Тижорат банкларининг валюта операцияларини эконометрик таҳлили бугунги кунда долзарб масалалардан ҳитсобланади. Бунинг учун валюта операцияларини ҳар бир тури ва унга таъсир этувчи факторлар тўғрисида маълумотлар математик-статистик усуллар, махсус дастурлар ёрдамида қайта ишланади, моделлар тузилади, баҳоланади ва хулоса берилади.

Валюта операцияларига бир вақтнинг ўзида бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Бироқ, операцияларнинг ҳар бир турига таъсир этувчи омиллар ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани ҳолда, айрим омиллар операцияларнинг барчасига таъсир кўрсата олади.

Қуйида мазкур омилларнинг тижорат банкларининг валюта операцияларига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражасига баҳо берамиз.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг форвард операцияларини ривожлантиришга таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб, битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкаси билан баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси ўртасидаги фарқнинг катта эканлиги ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида валюта опционлари ва фьючерслари мавжуд эмас. Шу сабабли, уларга таъсир этувчи омилларнинг таҳлилини амалга оширишнинг иложи йўқ.

Республикамиз тижорат банклари хорижий валюталардаги операцияларининг асосий қисмини валютавий своп операциялари ташкил этади.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг валютавий своп операцияларига таъсир этувчи омиллар қуйидагилардир:

1. Миллий валютанинг спот курсини волатиллик даражаси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 2013-2022 йилларда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан спот курсининг волатиллик даражаси юқори бўлган. Бу эса, валютавий своп операциялари ривожига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

2. Миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан форвард курсининг ўзгариши.

Юқорида эътироф этганимиздек, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан форвард курсининг ўзгариши устама ва дисконтнинг ўзгаришига ҳамда спот курсининг ўзгаришига боғлиқ.

Айни вақтда, республикамизда миллий валюта спот курсининг барқарорлигига салбий таъсир қилувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, улардан асосийлари, фикримизча қуйидагилардан иборат:

1. Давлат бюджетини дефицит билан бажарилаётганлиги;

2. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо балансини йирик миқдорда дефицитга эга эканлиги;

3. Инфляция даражасининг юқори эканлиги;

Валютавий своп операцияларининг тижорат банклари учун амалий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Своп операциялари тижорат банкларининг хорижий валюталардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги валюта маблағларини ишончли ва хавфсиз жойлаштириш имконини беради.

2. Своп операциялари тижорат банкига қисқа муддатли валютавий ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш имконини беради.

Тижорат банки своп операцияси доирасида тақчиллик юзага келган валютани спот шарти бўйича сотиб олади. Бу эса, ўша валютада юзага келган вақтинчалик ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш имконини беради.

3. Своп операциялари тижорат банкларининг валюта позициясини яхшилаш имконини беради.

Своп операцияси доирасида хорижий валютани сотилиши ўша валютадаги узун валюта позициясини қисқартириш имконини берса, хорижий валютани сотиб олиниши ўша хорижий валютадаги қисқа валюта позициясини қисқартириш имконини беради.

4. Своп операциялари тижорат банки ва унинг мижозларининг валюта захираларини диверсификация қилиш имконини беради.

Ўзбекистонлик бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари кўрсатдики, республикамиз тижорат банкларининг валюта захираларини



диверсификация даражаси жуда паст бўлиб, улар валюта захираларининг асосий қисмини (90 фоиздан ортиғини) АҚШ доллараридаги захиралар ташкил этади<sup>2</sup>.

Валютавий своп операцияларини амалга ошириш АҚШ долларининг тижорат банклари валюта захиралари таркибидаги салмоғини камайтириш ва бошқа валюталарнинг салмоғини ошириш имконини беради ва бунинг натижасида банкларнинг валюта захираларини диверсификация даражаси ошади. Ўз навбатида, валюта захираларининг диверсификация даражасини ошириш валюта rischi даражасини пасайтиришда муҳим ўрин тутади.

Тижорат банклари муддатли валюта операциялари ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир даражасига баҳо бериш мақсадида эконометрик таҳлил ўтказишда қуйидаги маълумотлардан фойдаланамиз.

### 1-жадвал

АТ “Алоқабанк” муддатли валюта операциялари ва уларга таъсир этувчи омиллар<sup>3</sup>

№	Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
1.	Банкнинг муддатли валюта операциялари ҳажми, млрд.сўм	9,6	21,5	6,6	12,3	39,4	73,8	87,1	94,6	108,3	112,5
2.	Инфляция даражаси,(фоизда)	6,8	6,1	5,6	5,7	14,4	14,3	15,2	11,1	10,0	12,3
3.	Миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан девальвация суръати, (фоизда)	11,0	10,0	16,0	15,0	92,4	2,7	14,0	10,2	3,4	3,6
4.	Миллий валютадаги кредитлари-нинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, (фоизда)	13,0	12,5	11,4	11,5	18,5	20,5	24,2	22,2	21,3	22,2
5.	Хорижий валютадаги кредитлари-нинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, (фоизда)	5,2	6,0	5,0	5,6	5,6	5,7	7,0	6,9	6,6	6,8
6.	Экспорт, млрд. долл.	14,3	13,5	12,5	12,1	12,6	14,0	17,5	15,1	16,7	19,3
7.	Импорт, млрд. долл.	13,9	14,0	12,4	12,1	14,0	19,4	24,3	21,2	25,5	30,8

<sup>2</sup> Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 33 б.; Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 81 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш.Т. “Фан ва технология”, 2007. – 286 б.

<sup>3</sup> Жадвал муаллиф томонидан АТ “Алоқабанк”нинг ҳисобот маълумотлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.



Мазкур эконометрик таҳлил кўп омилли регрессион ва корреляцион усулда 2013-2022 йиллар маълумотлари асосида амалга оширилди. Натижавий омил қилиб, АТ “Алоқабанк” томонидан амалга оширилган муддатли валюта операциялари ҳажми олинди, сабаб омиллари қилиниб эса, мамлакатимиздаги инфляциянинг йиллик даражаси, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан йиллик девальвация суръати, миллий ва хорижий валютадаги кредитларнинг ўртача ставкаси ҳамда экспорт ва импорт ҳажми танланган.

Боғлиқликларни ўрганиш учун амалга оширилган корреляцион таҳлилда қуйидагилар кузатилди.

Бунда, натижавий белги –  $Y$ :

$AS$ - АТ “Алоқабанк” муддатли валюта операциялари ҳажми, млрд. сўм;

*Омил белгилар*

$X1$  -  $IF$ - Инфляциянинг йиллик даражаси, фоизда;

$X2$  –  $DV$  - Сўмнинг АҚШ долларига нисбатан йиллик ўзгариш суръати, фоизда;

$X3$ -  $KF$ - Миллий валютадаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, фоизда;

$X4$ -  $XF$ - Хорижий валютадаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, фоизда;

$X5$ -  $EM$  – Экспорт ҳажми, млрд.доллар

$X6$ -  $IM$  – Импорт ҳажми, млрд.доллар

## 2-жадвал

### Корреляцион боғлиқлик жадвали

	$Y$	$x1$	$x2$	$x3$	$x4$	$x5$	$X6$
$y$	1,000	0.6847	-0.2595	0.9340	0.8710	0.8348	0.9461
$x1$	0.6847	1,000	0.2962	0.8747	0.5329	0.4827	0.5819
$x2$	-0.2595	0.2962	1,000	-0.0461	-0.2705	-0.4030	-0.3665
$x3$	0.9340	0.8747	-0.0461	1,000	0.8266	0.7562	0.8497
$x4$	0.8710	0.5329	-0.2705	0.8266	1,000	0.8015	0.8386
$x5$	0.8348	0.4827	-0.4030	0.7562	0.8015	1,000	0.9580
$X6$	0.9461	0.5819	-0.3665	0.8497	0.8386	0.9580	1,000

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, муддатли валюта операциялар ҳажмини ўзгаришига деярли барча омиллар таъсир қилмоқда (сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини ўғаришидан ташқари). Айниқса, кредитнинг ўртача фоиз ставкаси ва импорт ҳажми билан муддатли валюта операциялар ҳажми ўртасидаги боғлиқлик жуда юқори, яъни бунда корреляция коэффициенти мос равиёда 0.934 ва 0.946 га тенг.

Мазкур омилнинг эконометрик таҳлилда ўзгарувчиларнинг корреляцион боғлиқлик матрицаси тести амалга оширилиб, эрксиз ўзгарувчига асосий таъсир қилувчи эркин ўзгарувчининг таъсири йўқолишига олиб келмаслиги учун танланган натижавий ўзгарувчиларнинг юқори таъсир қиладиган танланиб кўп омилли эконометрик модел шакллантирилди. Ушу моделнинг математик функция кўриниши қуйидагича акс эттирилган.

$$AS=F(IF, DV, KF, XF, EM, IM)$$





Бунда: *AS*- *AT* “Алоқабанк”нинг муддатли валюта операциялари миқдори, млрд. сўм; *IF*- инфляциянинг йиллик даражаси, фоизда; *DV*- сўмнинг АҚШ долларига нисбатан йиллик девальвация суръати, фоизда; *KF*- миллий валютадаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, фоизда; *IF*- хорижий валютадаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, фоизда, *EM* – экспорт ҳажми, млрд.долл., *IM* – импорт ҳажми, млрд.долл.

Юқоридаги математик формуладан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотимизда эконометрик моделимизни шакллантирдик. (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Eviews дастури асосида кўп омилли регрессион ва корреляцион таҳлил натижалари<sup>4</sup>

Ўзгарувчи	Коэффициент	Стандарт хатолик	t- статистик	Эҳтимолиги (P-қиймат)
<i>IF</i> ( <i>x1</i> )	-3,138463	1.490422	-2.11	0.126
<i>DV</i> ( <i>x2</i> )	0,0225364	.0838631	0.27	0.806
<i>KF</i> ( <i>x3</i> )	5,922715	1.765889	3.35	0.044
<i>XF</i> ( <i>x4</i> )	1,782008	5.278453	0.34	0.758
<i>EM</i> ( <i>x5</i> )	-11,29529	2.438799	-4.63	0.019
<i>IM</i> ( <i>x6</i> )	7,251116	1.178558	6.15	0.009
<i>C</i>	2,938009	25.67007	0.11	0.916
Детерминация коэффициенти	0.9964	Туғриланган детерминация коэффициенти		0.9891
	0.9891	Регрессиянинг стандарт хатолиги		4.4876
Максимал ўхшашлик функциясининг қиймати		F-статистикаси		137.44

Юқоридаги келтирилган ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги кўп омилли регрессион модел шаклланди.

$$AS = -2.938 - 3.138IF + 0.022DV + 5.923KF + 1.782XF + 11.295EM + 7.251IM + \epsilon$$

Шаклланган моделда туғриланган детерминация коэффициенти шуни кўрсатадики, тижорат банкининг муддатли валюта операциялари (*AS*)ни 99 фоиз

<sup>4</sup> Eviews дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.



моделда шакллантирилган омилларга боғлиқдир. Қолган 1 фоиз эса, ҳисобга олинмаган бошқа омилларга боғлиқ ҳисобланади.

Эконометрик шакллантирилган моделимиздан хулоса қилиб, шуни таъкидлаш жоизки, бошқа омилларни ҳисобга олмаган ҳолда, *IF*- инфляциянинг йиллик даражаси, *DV*- сўмнинг АҚШ долларига нисбатан йиллик девальвация суръати, *KF*- миллий валютадаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, *IF*- хорижий валютадаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, *EM* – экспорт ҳажми, *IM* – импорт ҳажми бир вақтни ўзида 1 фоизга ўсиши тижорат банкни валюта операциялари ҳажмини 3,48 фоизга ўсишига олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, банкларнинг муддатли валюта операциялари мамлакат экспорт ва импорт ҳажмига, миллий ва хорижий валютадаги кредитларнинг ставкасига, шунингдек инфляция ва валюта курсини ўзгаришига боғлиқ ҳисобланди. Банкларнинг даромадини оширишда, валюта операциялари ҳажмини ошириш муҳим ҳисобланади. Охирги йилларда банкларнинг бу кўрсаткичини ўсиш тенденциясига эгалигини куришимиз мумкин. Тижорат банкларида валюта операциялари ҳажмини, шу орқали банк даромадини ошириш банк тизими ривожига ҳамда мамлакатимиз ривожига муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

## References:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири). – Т., 2019 йил 22 октябрь.
2. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта кредит муносабатлари. Дарслик. Тошкент "IQTISOD-MOLIYA", 2005 йил, 588 бет.
3. Бункина М.К., Семенов А.М. Основы валютных отношений: Учебное пособие. – М.Юрайт, 1998. – 192с.
4. Болтаев, Т. К. (апр 2020). Перспективы развития валютных отношений в узбекистане. *Universum: экономика и юриспруденция*, (4), 9-12
5. Болтаев, Т. К. (июнь 2022). Ўзбекистон тижорат банкларида валюта операцияларини ривожлантириш истиқболлари. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, VOLUME 2 | ISSUE 6
6. Kurbanov, R. B., & Asirarov, R. Z. (2022). The role of the bank's initial public offering in increasing the capitalization of commercial banks. *Asian Journal of Research in Banking and Finance*, 12(4), 30-36.
7. Kurbonov PhD, R. (2021). An 1. Important Aspects Related to Foreign Exchange Operations of Commercial Banks. Akram Tolliboevich Absalamov, Oybek Odilovich Xudoyorov, Sardor Umarovich Kholdorov
8. ХУДОЁРОВ О.О. (2023). БАНК ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА РАҚАМЛАМЛИ БАНК ТЕХНОЛОГИЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 99–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>
9. Худоёров О.О.,Эргашев А.Ж. "ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ" Vol. 2 No. 23 (2023): O'ZBEKISTONDA



FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI.

<https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/7881>

10. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти

11. [www.aloqabank.uz](http://www.aloqabank.uz) – АТБ «Алоқабанк» сайти